бермаган тақдирда, **“Маҳсулот етказиб берувчи”** сифати зарур даражада бўлмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

**4.4.** Нефт маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»ка кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

**4.5.** “Истеъмолчи” га етказиб берилган нефт маҳсулотларини танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда маҳсулотни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун “Истеъмолчи” “маҳсулот етказиб берувчи”га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) маҳсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Маҳсулотлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, “маҳсулот етказиб берувчи” жарима ундиришдан ташқари, ушбу маҳсулотлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) маҳсулот лар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

**4.6.** Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вактида ҳақ туламаганда «Истеъмолчи» «Маҳсулот етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

**4.7.** «Истеъмолчи» томонидан сарфланган транспорт харажатлари ва бошқа қўшимча тўловларни тўламаганлиги учун «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га тўлов муддати утказиб юборилган хар бир кун учун белгиланган муддатда туланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати утказиб юборилган сумманиг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

**4.8.** Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

## 5. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

**5.1.** Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар содир бўлганлиги, шунингдек Қонун ва қонун ости хужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги хужжатлар асосида исботланса жавобгарлик санкциялари қўлланилмайди.

**5.2.** Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик килувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

**5.3.** Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар, коидага кўра, мустакил равишда ёки туман (шаҳар)лар хокимликлари хузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиклаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача хал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

## 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

**6.1.** Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, тарафлар қоидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар, жумладан ёзма тарзда эътироз хати юбориш шарт. Узоғи билан бир ойлик муддат ичида эътироз хати рад этилса ёки эътироз хати жавобсиз қолдирилса келишмовчилик ва низолар жавобгар жойлашган жойдаги иктисодий судда хал килинади.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

**7.1.** Шартнома 2022 йил 31 декабр кунининг якунига қадар амалда бўлади.

**7.2.** Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги, ғазначилик бошқармаси (бўлими)да қайд этилиши шарт бўлса, ғазначиликда рўйхатдан ўтказилган санадан юридик кучга киради ва 2021 йил 31 декабр кунининг якунига қадар амалда бўлади.

## 8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

**8.1.** Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин. Шартнома қонун ва қонун ости хужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бир томонлама **“Маҳсулот етказиб берувчи”**нинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

**8.2.** Мазкур шартномага хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади.

**8.3.** Шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларда бир нусхадан сақланади ва иккала нусхалари ҳам тенг юридик кучга эгадир.

## 9. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва имзолари:

| **“Етказиб берувчи”** | **“Истеъмолчи”** |
|---|---|
| **“Жиззах нефт база” МЧЖ**<br>**Жиззах шахри “А” Саноат худуди.**<br>**х/р: 22604000500491356701**<br>**АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”**<br>**Тошкент шаҳар Яшнабод филиали, МФО: 00432,**<br>**ИНН: 200343224**<br>____________ **В.Қосимов**<br>**(мухр, имзо.)** | Инкассация хизмати<br>Жиззах вилоят бошқармаси<br>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... DAVLAT UNITAR KORXONASI<br>JIZZAX VILOYAT BOSHQARMASI<br>X/R: 2159 8000 3001 9341 4001<br>MARKAZIY BANK XKKM MFO: 00018<br>... XXTUT: 96110<br>И.З.Розиков<br>**(мухр, имзо, Ф.И.Ш.)** |

Бухгалтерия ____________

Сотиш бўлими ____________

Юридик бўлим ____________